O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 1-aprel • Seshanba • 43 (27.848) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VIII пленуми бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари ролини янада кучайтиришга оид долзарб масалаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги, Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтлари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг эксперт ва мутахассислари, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова бошқарди.

Ўзбекистоннинг янги парламенти олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишда палаталар қўмиталарининг алоҳида ўрни бор. Чунки қонун ижодкорлиги ишидаги ютуқлар мазкур қўмиталарнинг ишчанлиги ва ўзаро ҳамкорлигига бевосита боғлиқ.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда парламент ҳар иккала палатасининг қўмиталари тўлақонли иш олиб бориши учун зарур қонунчилик базаси яратилган. Тўпланган салмоқли тажриба ҳам қўмиталар фаолиятини сифат жиҳатидан янада яхшилашда ижобий роль ўйнамоқда.

Қонунларни, шунингдек, палата муҳокамасига киритиладиган бошқа масалаларни тайёрлаш шу қўмиталар томонидан амалга оширилади.

Тадбирда жамият ривожининг эндиги босқичи қўмиталар фаолиятига тегишли ўзгартишлар киритишни талаб этиши, улар ислоҳотларнинг бугунги талабларига тўла мос бўлиши лозимлиги, ўз фаолиятида ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши, парламент янада пухта ва профессионал жиҳатдан юқори савияда ишлаши зарурлиги таъкидланди.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қоидалари қўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларига алоҳида талаблар қўйиши қайд этилди.

Тадбирда қўмиталар фаолиятининг бошқа муҳим соҳаларини, жумладан, назораттаҳлил фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ҳар бир қўмита аъзосининг фаоллигини ошириш каби масалалар муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.

(ЎзА)



Ёш оилалар учун уйлар

Мамлакатимизда Наврўзи олам шукуҳи кезаётган айни кунларда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида ёш оилалар учун 64 хонадонга мўлжалланган иккита турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун барча шароитларни яратиш борасида кенг қамровли ишлар қилинмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур кўпқаватли уйни бунёд этишда «Мегатехника плюс» ва «Газсервис групп» масъулияти чекланган жамиятлари қурувчиларининг хизмати катта бўлди. Бу ерда бир миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилди.

— Юртбошимизнинг Фармони ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, меҳнат фаолиятини бошлаётган ва мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмларини яратиш ҳамда уй-жой ва бошқа кўплаб маиший масалаларни яхшилашда катта аҳамият касб этади, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қўқон шаҳар бўлими раиси Саидфарруҳ Исломов.

— Биз, ёшлар Юртбошимизнинг бу ғамхўрлигидан беҳад хурсандмиз, — дейди янги уй соҳибларидан бири Жамшиджон Султонов. — Албатта бу Фармон айни дилимиздаги иш бўлди. Биз ҳам яқинда турмуш қурдик. Уй-жойга эҳтиёжимиз бор эди. Бу муаммо ҳам ижобий ҳал бўлди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Суратларда: ёш оила Баҳодир Умаров ва Шаҳноза Умаровалар фойдаланишга топширилган янги уйга кўчиб ўтишди.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Фуқаро ҳуқуқи тикланди

2

Газетанинг 26 январь сонида шўрчилик Х.Аллаёров аризаси асосида тайёрланган «Сохта диплом ва қалбаки ҳужжатлар билан қўш тендер ғолиби бўлган шоввоз ҳақида» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда фуқаро А.Йўлдошевнинг сохта ҳужжат билан бир эмас, икки тендер танловида ғолиб бўлгани хусусида ёзилган эди.

Ёндашув ўзгармади

3

«Кубада ўзгариш юз бераётгани ҳақидаги гаплар Раул ва Фидел Кастроларнинг Куба муаммоларини турлича ёндашув билан ҳал этаётганидан дарак бермайди», — деди Кубанинг Мехикодаги элчиси Мануэл Агилера.

Ўзбекистон халқ артисти Рихси ИБРОҲИМОВА: «Муқаддас саҳна мени юртга танитди»

4

Бир нарсага ҳам қувонаман, ҳам озгина армоним бор. Ҳозир ҳукуматимиз томонидан театрга, санъат соҳасига кўрсатилаётган эътибор, яратилган шароитларни кўриб дил-дилимдан қувонаман. Биз қандай замонларда, қандай шароитларда ишлаганимизни ёши улуғ санъаткорларимиз яхши билишади.

ЯНГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

2008 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Унда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида мамлакатни демократик модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ЎзХДП марказий органлари ва маҳаллий ташкилотларининг партия устав фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан устувор вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳисоботи ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси фаолияти тўғрисидаги ахборот, шунингдек, 2007 йилдаги партия бюджети ижроси ҳамда партиянинг 2008 йилга бюджети кўриб чиқилди.

Пленумда партия Марказий Кенгаши аъзолари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси минтақавий партия ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг мафкуравий масалалар бўйича ўринбосарлари, партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этдилар. Кун тартибидаги асосий масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов маъруза қилди.

Маърузачи Республика Президенти ташаббуси билан қабул қилинган ва 2008 йил 1 январдан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун мамлакатда сиёсий партиялар фаолиятининг босқичма-босқич такомиллашиб бориши, демократик ўзгаришлардаги ролини оширишни таъминлаш, партияларга парламент демократияси, вакиллик институтлари орқали ўз электорати манфаатлари йўлидаги дастурий мақсадларини амалга оширишлари учун янги имкониятлар яратганини алоҳида таъкидлади.

Мазкур янги ижтимоий-сиёсий вазият партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари, марказий ҳамда маҳаллий матбуот нашрлари фаоллиги ва ташаббускорлигини янада кучайтириш, ижтимоий-сиёсий фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чоралар кўришни талаб этади. Аввало, партиянинг ўз электорати манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш бўйича ишларини такомиллаштириш зарур. Электоратнинг бугунги сиёсий ва фуқаролик етуклиги, ўзи ишонган сиёсий куч қайси масалаларни ҳақиқатда ўзининг ташаббуси билан ҳал этгани ҳамда қайси бирида «шунчаки иштирок этганини» яхши англайди. Шу боис халқ орасида ишонч қозониш, электоратимизнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун ишни шундай ташкил этиш керакки, токи партия электоратини қониқтириш ва улар манфаатларини ҳимоя қилиш учун берилган ваколатлар орқали нималарни амалга ошираётганимиз яққол намоён бўлсин. Шу нуқтаи назардан, дастлабки вазифалардан бири — бу Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ишида ташаббускорлик ва фаолликни янада оширишни таъминлашдир, деди партия раҳбари ўз маърузасида.

Биринчидан, фракция палатада қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, ўз позициясини ҳимоя қилиш бўйича тўплаган тажрибасини мустаҳкамлаши ва ривожлантириши лозим. Иккинчидан, фракция парламент қуйи палатасининг нафақат назорат-таҳлил ишларидаги иштирокини фаоллаштириши, балки Конституциявий қонун кенгайтирган ваколатларидан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви институтларининг Қонунларни оғишмай бажаришдаги масъулияти кескин оширилиши юзасидан ташаббусни қўлга олиши керак.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги ЎзХДП депутатлик бирлашмаларининг устувор ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаол ва масъулият билан иштирок этишларини таъминлаш вазифаси ҳам бевосита шу билан боғлиқ. Электорат ижтимоий манфаатларини таъминлайдиган қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар жойларда бажарилишининг мониторинги бу ишнинг муҳим таркибий қисмидир. Бу масалаларнинг ЎзХДП учун асосий жиҳати ва аҳамияти — электорат манфаатларига жавоб берувчи энг муҳим ҳукумат қарорларининг республика ва маҳаллий даражада самарали, изчил амалга оширилишидан партиянинг манфаатдор эканидир.

2-бет

Жанубий Кореяда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида таниқли мураббий — Маъмур Рўзиев устозлик қилаётган эркин курашчиларимиздан Қурбон Қурбонов ўзини кўрсатди.

Полвонимиз — Осиё чемпиони

Истеъдодли полвонимиз вазни 96 килограмм бўлган курашчилар баҳсида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпионлигига сазовор бўлди.

Эркин кураш беллашувларида қатнашган ҳамюртларимиздан Увайс Тўлаганов ва Абдул Аммаев бронза медаль билан тақдирланди.

Комил Фаткулин бош мураббийлик қилаётган юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ҳам қитъа чемпионатидан учта медаль билан қайтди. Тажрибали курашчимиз Дилшод Орипов кумуш медални қўлга киритди. Абдумалик Алиев ва Давид Салтадзе эса мусобақани кучли учликда якунлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Камалак» болалар ташкилоти

2008 йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилингани муносабати билан оммавий ахборот воситалари, энг аввало ёшлар ва болаларга қаратилган даврий нашрлар, интернет-порталлар ва сайтларни республикамизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг ҳаёти, ўқиш, изланишлари, ютуқ, муваффақиятлари, муаммолари ҳақидаги тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий материаллар билан бойитиш, ёш журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида мамлакатдаги ёшларга ихтисослашган барча газета ва журналлар, интернет- порталлар ва веб-саҳифалар ижодкорларини, 30 ёшгача бўлган барча журналистлар ва ижод билан шуғулланаётган талаба-ёшларни **«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ!»** деб номланган танловда иштирок этишга таклиф қилади.

Танлов шартлари:

Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига ихтисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар, веб-сайтлар, 30 ёшгача бўлган ва мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борадиган ёки улар билан ҳамкорлик қиладиган ижодкорлар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари талабалари иштирок этишлари мумкин.

Танловга топширилган материаллар 5 тадан кам бўлмаслиги шарт. Танловга юборилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ғолибларни аниқлашда таҳририятлар фаолиятининг ёшлар ва болалар ўртасида оммавийлиги, мавзунинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни, долзарблиги, «Ёшлар йили» Давлат дастури мақсад-вазифаларига мувофиқлиги, профессионал маҳорат, тил ва услубий оригиналлик асосий мезон ҳисобланади.

Танлов икки йўналишда ўтказилади:

1. Ёшлар ва болалар йўналишига ихтисослашган энг яхши босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-саҳифалар таҳририятлари учун.

2. Ёш журналистларнинг босма ОАВ ва интернет тармоғида чоп этилган ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етишига қаратилган материаллари учун.

Танловга 2008 йил 1 январдан 2008 йил 20 декабргача чоп этилган материаллар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари нуфузли экспертлардан таркиб топган танлов ҳайъати томонидан аниқланади.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН — ФИНЛЯНДИЯ

Ҳамкорлик

Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасига Финляндиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси М.Л.Килюнен хоним ташриф буюрди.

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон ва Финляндия давлатлари ўртасида божхона иши соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ҳукуматлараро битимни имзолашдан иборатдир.

Соҳага оид масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этувчи ушбу битимни тайёрлаш ташаббуси 1998 йилда илгари сурилган бўлиб, лойиҳа 2001 йилнинг декабрида Хельсинкида ҳамда 2002 йил май ойида Тошкентда мутасадди ва экспертлар иштирокида ўтказилган учрашувлар доирасида кўриб чиқилган эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1991 йилдан то ҳозирги кунга қадар Давлат божхона қўмитаси томонидан халқаро ҳамкорликка оид 100 дан ортиқ шартномалар имзоланган.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

ЯНГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боис, партия ташкилотларининг электорат вакиллари дуч келадиган ижтимоий масалаларни ҳал этишда уларга ёрдам бериш шакли бўлган Ўзбекистон ХДП Жамоатчилик қабулхоналари каби иш усулларини такомиллаштириш вазифасини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу масалада ўтган икки йил давомида тўпланган тажрибага таяниб, Жамоатчилик қабулхоналари вазифаларини кенгайтириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Жумладан, мазкур қабулхоналар қошида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш хизматлари, юридик маслаҳатхоналар, шунингдек, энг йирик қишлоқ аҳоли пунктлари ва маҳаллаларда уларнинг бўлимларини очишга эҳтиёж туғилмоқда.

Партия Марказий Кенгаши раиси мафкуравий ишлар самарадорлигини ошириш орқали электорат орасида партия обрўсини мустаҳкамлашдан иборат навбатдаги муҳим вазифага иштирокчилар диққатини қаратди. Жумладан, пленум олдидан жойларда ўтказилган қатор ижтимоий-сиёсий тадбирларда ҳам бу алоҳида таъкидланганини айтиб ўтди. Айни пайтда, 2008 йилда партиянинг янги дастурий ҳужжатини ишлаб чиқиш масаласи долзарб бўлиб турганини қайд этди. Барча минтақавий ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланган бу масалани ҳал этиш нуқтаи назаридан аввало, партиянинг мамлакатни ислоҳ қилиш ва демократик модернизациялаш масалалари бўйича позициясини аниқлаштириш зарур. Бунинг учун партия Дастуридаги тегишли мафкуравий принциплар, амалий вазифалар ва устуворликларни қайта кўриб чиқиш учун Марказий Кенгаш қошида илмий-амалий ва услубий ишларни бошлаш тўғри бўлади.

Айни пайтда, партия фаоллари мафкуравий йўналишда аҳоли турли гуруҳлари орасида олиб борадиган ишлар самарадорлигини янада оширишга астойдил ҳаракат қилишлари лозим. Шу муносабат билан, бу йўналишда партия марказий органлари, маҳаллий кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари ўртасида барқарор ва тўғридан-тўғри алоқани шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу партия марказий органларига ҳам, маҳаллий ташкилотларга ҳам мунтазам равишда ЎзХДП мафкуравий ишлари таъсири ва даражаси тўғрисида объектив тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Ушбу масалаларни ҳал этишда партиянинг туман ҳамда шаҳар кенгашларида ташкил этилаётган ахборот-ресурс марказлари ҳамда ЎзХДП аъзолари, электорати вакиллари ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими муҳим аҳамиятга эга. Бу икки тизим мафкуравий соҳада партия фаоллари учун қўлланма, мавзуга оид ҳужжатлар тўпламлари ва бошқа ахборий воситаларни тайёрлаш ва нашр қилишни ташкил этиши лозим. Шунингдек, ахборий ва ташвиқот материалларининг электрон шаклини яратишга катта эътибор бериш, шу жумладан, бу манбаларга коммуникация технологиялари орқали масофадан туриб мурожаат қилиш имкониятини ҳам ҳисобга олган ҳолда яхлит тизимни вужудга келтириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса мафкуравий ишни юқоридан қуйигача бошқаришнинг ташкилий жиҳатдан таъминланишига хизмат қилади. Мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган партия ходимлари таркибини ёшартириш, ЎзХДП мафкуравий бўлинмалари ва экспертлар гуруҳларида профессионал асосда ишлаш учун юксак маданиятли, мустаҳкам сиёсий эътиқодли ёш кадрларни жалб этиш бу жараёнда асосий вазифа бўлиши лозим.

Ҳозирги босқичда партия ўз электорати асосий ижтимоий гуруҳлари — ёшлар ва хотин-қизлар билан алоқаларини мустаҳкамлаши катта аҳамиятга эга ва айни пайтдаги устувор масалалардир. Шу муносабат билан партия «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари туман, шаҳар ҳамда минтақавий бўлимлари ҳамда марказий бошқаруви зиммасига катта масъулият юкланади. Шуни қайд этиш керакки, ёшлар ва хотин-қизлар қанотлари олдида битта вазифа турибди – у ҳам бўлса, ушбу қанотлар орқали ёшлар, хотин-қизлар ўзларининг фаол фуқаролик позицияси ва етакчилик сифатларини намоён этсинлар.

Маърузачи жорий йилда партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича ишларни давом эттириш, Марказий Кенгаш, минтақавий ва маҳаллий бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, айни пайтда уларнинг бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлиги борасида ишончли тизимни яратиш масалаларига эътибор қаратди. Бу ташкилий-сиёсий ишларнинг асосий йўналиши эканини таъкидлади. Қайд этилдики, бу вазифаларнинг барчаси ЎзХДПда мавжуд ташкилий, мафкуравий ва молиявий имкониятлардан кенг фойдаланиб, 2008 йилда партия устав фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари, қуйи палата Спикерининг ўринбосари Аслиддин Рустамов фракциянинг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда тақдим этилган ва 2008 йил 6 мартда «Ўзбекистон овози», 7 мартда «Голос Узбекистана» газеталарида чоп этилган ЎзХДПнинг 2007 йилги бюджети ижроси ҳақидаги ҳисобот, шунингдек, партиянинг 2008 йилги бюджети тасдиқланди.

Пленумда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Суратларда: *пленум иш жараёнидан лавҳалар.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига 2008 йил учун ПАРТИЯ БЮДЖЕТИ

минг сўм.

№№	Даромад ва харажатлар моддалари	Режа
	I Даромадлар	
1	**Давлат бюджети маблағлари**	
а)	устав фаолиятини молиялаштириш учун	922 408,0
б)	Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун	
2	**Кириш ва аъзолик бадаллари**	1 159 010,1
3	**Молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар**	510 245,3
4	**Бошқа даромадлар**	58 942,5
	Жами даромадлар	**2 650 605,9**
II	**Харажатлар**	
	Харажатларнинг I гуруҳи — иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	
I.1	Иш ҳақи — жами	1 452 195,6
	Харажатларнинг II гуруҳи — иш ҳақига қўшимча тўловлар	
II.1	Иш берувчиларнинг ажратмалари — жами	348,527,0
	Харажатларнинг IV гуруҳи — бошқа харажатлар	
IV.1	Хизмат сафарлари харажатлари	63 761 5
IV.2	Коммунал хизматлар учун харажатлар — жами	119 204,1
IV.3	Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари бўйича харажатлар	69 182,9
IV.4	Жорий таъмирлаш бўйича харажатлар	52 536,8
IV.5	Сақлаб туриш, ижарага бериш, фойдаланиш харажатлари ва бошқа хизматлар тўлови бўйича харажатлар — жами	184 833,4
IV.6	Жорий мақсадлар учун техника, асбоб-ускуналар ва анжомлар сотиб олиш бўйича харажатлар	130 522,6
IV.7	Ўзбекистон ХДП устав фаолияти билан боғлиқ бошқа жорий харажатлар	142 313,6
	Жами харажатлар	**2 563 077,5**
III	**Даромаднинг харажатдан ортиқлиги**	**87 528,4**

Маъруза юзасидан муҳокамаларда кўплаб фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Муродулло НОРМУРОДОВ, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

– Замон тараққиёти, юртнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганининг ўзи партиямиз фаолиятини кучайтиришни талаб этаяпти. Партия мафкураси эса фаолиятимизнинг асосидир. Шунинг учун уни халқимиз, айниқса электоратимизнинг ҳаётий манфаатларидан келиб чиқиб такомиллаштиришимиз зарур. Мафкура қанчалар содда тилда баён этилса ва тушунарли бўлса, партиямиз аъзолари, электорати ҳамда хайрихоҳларини бирлаштиришга қаратилса кейинги фаолиятимизнинг самараси шунча юқори бўлади. Бу жараёнда сафимизда бўлган олимлар, сиёсатшунослар, жамоат арбоблари кучидан фойдаланиш, янги мафкуравий қарашларимиз, дастурий ҳужжатимизни ишлаб чиқишда уларга таяниш ўз самарасини беради.

Ҳамидулла НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Конституциявий қонун сиёсий партиялардан нафақат Қонунчилик палатасига, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган вакилларининг ҳам ролини ошириб, масъулиятини кучайтирди. Шунга муносиб равишда жойлардаги депутатларнинг электорат ижтимоий аҳволидан яхши хабардор бўлган бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтиришимиз зарур. Ўйлайманки, бошланғич ташкилотлар фаоллигини оширишнинг янги йўлларини ишлаб чиқиш вақти келди. Чунки сиёсий кучнинг бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар, вилоят кенгашлари одамлар орасига кириб бормаса, электорат ишончини қозона олмаса, ишимизнинг самараси бўлмайди. Келгуси сайловларда муваффақиятли иштирок этишимиз учун бизни аввало қуйи бўғинда оддий одамлар қўллаб-қувватлашлари талаб этилади. Бунинг учун биринчи навбатда уларнинг ишончини қозонишимиз лозим.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири:

– Сиёсий партия фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бири тарғибот-ташвиқот ишларидир. Бугун бу борада олиб бораётган ишларимизда янгича ёндашувлар етишмаяпти, назаримда. Бунда нафақат ЎзХДПнинг ўз нашрлари, балки бошқа оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш зарур. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари партиямизнинг юзидир. Улар орқали сиёсий фаолиятимизни янада кенг ёритиб, нашрларимиз мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, маҳалла, қишлоқ, овуллари, керак бўлса ҳар бир оилага кириб боришини таъминласак, тарғибот ишларимиз самараси юқори бўлади. Яна бир таклифим шуки, партиямизнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари раҳбарларининг электоратимизни ўйлантирадиган ижтимоий масалалар юзасидан таҳлилий чиқишларини ташкил этиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида хайрихоҳларимизнинг бизга ишончи янада ортади, деб ўйлайман.

Шунингдек, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Хуршида Ҳолиқова, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Парда Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Алишер Юсупов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танлов номинациялари:

Таҳририятлар йўналиши бўйича:

- энг яхши ёшлар газета/журнали;
- энг яхши болалар нашри;
- энг яхши талабалар газетаси;
- ёшларнинг энг оммавий портали, веб-саҳифаси.

Ёш журналистлар йўналиши бўйича:

- «Ўзбекистон – менинг Ватаним!» («Ёшлар йили» Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад-вазифаларнинг мамлакат ҳудудларида амалга оширилиши кенг ёритилган, республикамизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, илм-фан, спорт соҳаларида ёшларнинг фаол иштироки, давлатимизнинг ёш авлодга қаратилган сиёсатининг амалий натижаларига бағишланган турли журналистик жанрлардаги туркум материаллар).

Голибларга мукофотлар:

Голиблар танлов ташкилотчилари томонидан таъсис этилган диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Танлов материаллари ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар «Ўзбекистон – менинг Ватаним!» деган қайд билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашига 2008 йил 31 декабрга қадар жўнатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 11-уй. Ташкилий қўмита.

Тантанали, ҳаяжонли, унутилмас лаҳзалар

Яқинда Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 25- мактабга маҳалла фаоллари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари тўпланишди. Бунинг боиси, 16 ёшга тўлган мактаб ўқувчиларига фуқаролик паспортларини топшириш маросими ўтказилди.

— Туманимизда 61 та маҳалла бўлиб, уларда 180 минг аҳоли истиқомат қилади, — дейди туман ИИБга қарашли паспорт бўлинмаси бошлиғи Ўроқбой Зарипов. — Биз мана шундай тадбирларни жойларда тез-тез ва кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қиламиз. Чунки биринчи маротаба қўлига фуқаролик паспортини олаётган ёшларимизга бу ҳужжат уларнинг тенг ҳуқуқли фуқаро бўлганлигидан далолат эканини алоҳида таъкидлаймиз. Бу билан ёшларимиз энди юрт олдидаги масъулиятларини ҳис қилишлари лозимлигини айтамиз.

Суратларда: *ёшларга фуқаролик паспортини топшириш маросимидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Фуқаро ҳуқуқи тикланди

Газетанинг 26 январь сонида шўрчилик Х.Аллаёров аризаси асосида тайёрланган «Сохта диплом ва қалбаки ҳужжатлар билан қўш тендер ғолиби бўлган шоввоз ҳақида» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда фуқаро А.Йўлдошевнинг сохта ҳужжат билан бир эмас, икки тендер танловида ғолиб бўлгани хусусида ёзилган эди.

Яқинда мақола юзасидан вилоят прокуратурасидан қуйидаги мазмунда хат олинди:

«Аниқланишича, Шўрчи тумани, «Далварзин» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси томонидан 1-7-сонли лойиҳа юзасидан ўтказилган танловда фуқаролар А.Йўлдошев, Х.Аллаёров, М.Жумаев ва Т.Аллаёровлар талабгор сифатида иштирок этишган.

Танлов натижалари бўйича комиссия томонидан А.Йўлдошевга 69,84 балл, Х.Аллаёровга 69,07 балл, М.Жумаевга 64,11 балл ва Т.Аллаёровга 60,26 балл берилган.

Комиссиянинг 2005 йил 28 декабрдаги 9-сонли йиғилиш баённомаси қарори билан 1-7-сонли лойиҳа бўйича Абдурасул номли фермер хўжалиги бошлиғи А.Йўлдошев 69,84 балл билан танлов ғолиби деб топилган ва туман ҳокимининг 2006 йил 9 февралдаги 111-сонли қарори билан Абдурасул номли фермер хўжалигига 45,6 гектар ер майдони ажратилган.

Шўрчи туман прокуратураси томонидан 1-7-сонли лойиҳа бўйича танлов ҳужжатлари ўрганилганда, А.Йўлдошев комиссияга 1995-1998 йилларда Асака тижорат техникумини саноат моллари товаршунослик мутахассислиги бўйича тамомлаганлиги ҳақидаги 12648-сонли қалбаки диплом тақдим этганлиги аниқланиб, 2007 йил 12 апрель куни А.Йўлдошевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, туман ички ишлар бўлими томонидан тергов ҳаракатлари ўтказилган.

Жиноят ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судининг 2007 йил 8 август кунги ҳукми билан А.Йўлдошевга 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган.

Бундан ташқари, А.Йўлдошев юқорида қайд этилган қалбаки диплом билан Денов тумани, «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси томонидан 1-63-сонли лойиҳа юзасидан ўтказилган танловда иштирок этиб, танлов ғолиби деб топилган.

Денов туман ҳокимининг 2007 йил 11 январдаги 80-сонли қарори билан А.Йўлдошев бошлиқ фермер хўжалиги ташкил этилиб, 27,71 гектар ер майдони ажратилган.

Денов туман прокурорининг 2008 йил 20 февраль кунги протести асосида туман ҳокимининг қайд этилган қарори бекор қилинган.

Шунингдек, вилоят хўжалик судида даъвогар Шўрчи туманидаги «Эгарчи» фермер хўжалиги бошлиғи Х.Аллаёровнинг жавобгарлар Шўрчи туман ҳокимлиги ва «Далварзин» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясига нисбатан комиссиянинг 2005 йил 28 декабрдаги 9-сонли баённомасини ва туман ҳокимининг 2006 йил 9 февралдаги 111-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги 19-0605-904-сонли хўжалик иши юритилган.

Вилоят хўжалик судининг 2007 йил 23 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабининг Шўрчи туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қисми рад этилиб, қолган қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2007 йил 16 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг 2007 йил 18 сентябрь кунги қарори билан биринчи ва апелляция инстанциялари қарорлари ўзгартирилиб, Шўрчи туман ҳокимининг 2006 йил 9 февралдаги 111-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Шундан сўнг, прокурорнинг бевосита аралашуви билан туман ҳокимлиги ҳузуридаги қайта ташкил этиш комиссиясининг 2008 йил 28 январь кунги йиғилиш баённомаси билан 1-7-сонли лойиҳа бўйича талабгор Х.Аллаёров танлов ғолиби деб топилган ва баённомани тасдиқи туман ҳокимлигидан сўралган.

Туман ҳокимининг 2008 йил 25 февралдаги 45-сонли қарори билан комиссиянинг йиғилиш баённомаси тасдиқланиб, Х.Аллаёров бошлиқ «Эгарчи» фермер хўжалигига 45,6 гектар ер майдони ажратилган.

Вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Д.Ш.АБДУРАҲМОНОВ».

«Жаҳон» ахборот агентлиги хабари

Ўзбекистон жамоатчилиги голландиялик сиёсатчи Герд Вилдерс томонидан мусулмонларнинг диний туйғуларини камситувчи «Фитна» хужжатли фильми яратилганини қатъий қоралайди.

Ислом динига нисбатан навбатдаги ҳужумлар ҳозирги кун дунёсида динлараро низоларни атайин келтириб чиқаришга бўлган интилишдан ўзга ҳеч нарса эмас.

Бу хилдаги бемулоҳаза масъулиятсиз таъналар тинч-тотувликда яшашнинг энг асосий тамойилларига путур етказиб, халқаро ҳуқуқ, одоб ва ахлоқнинг умумэътироф этилган меъёрларига зиддир ҳамда уларни ҳеч бир важ ва ишонтиришлар билан оқлаб бўлмайди.

Ўзбекистон жамоатчилиги диний бағрикенгликнинг сақланиши ва барча диний конфессия вакиллари ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши орқалигина миллатлараро тотувлик ва ҳамоҳанглик ғоясининг амалга ошишини таъминлаш мумкинлигига ишонади.

Ўзбекистонда диний низо ва адоватни қўзғатишга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун Европа давлатларида етарли даражада сиёсий ирода ва ақл-идрокнинг намоён этилишига ишонч билдирилади.

XORIJDA

Сайлов натижалари маълум бўлди

29 март куни Зимбабведа президентлик, парламент ва маҳаллий сайловлар бўлиб ўтди, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Президентлик лавозимига Роберт Мугабедан ташқари собиқ молия вазири Симба Макони ва «Демократик янгиланишларга ҳаракат» мухолиф партиясининг етакчиси Морган Цвангирай кураш олиб борди. Сайлов комиссияси раҳбари Жорж Чивешенинг айтишича, натижалар сайлов участкалари ёпилганидан 35 соат ўтгач эълон қилинди. Илк натижаларга кўра, мухолифат партия сайловда етакчилик қиляпти. Партия парламентга ажратилган 6 ўриндан 4 тасини ютди. Амалдаги президентнинг партияси эса 2 та ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Жами парламентда 210 та ўрин бор. Мухолиф томон эса мамлакатни 28 йилдан бери бошқариб келаётган президент Роберт Мугабени сайлов натижаларини ўзгартиришда айблаган. Мамлакат пойтахти Харар шаҳрида тартибсизликларнинг олдини олиш учун полиция якшанба куни кечаси кўчаларни қаттиқ назорат қилган.

Эслатиб ўтамиз, бу Шарқий Африка мамлакати айни пайтда оғир тангликни бошдан кечирмоқда. Зимбабве марказий статистика бошқармасининг хабарига кўра, 2007 йилда инфляция даражаси 100 минг фоиздан ошиб кетган. Франс Пресснинг таъкидлашича, бу кўрсаткич инфляциянинг дунё бўйича янги рекорди ҳисобланади. Зимбабве дунёдаги иқтисоди жуда тез ортга кетаётган давлат ҳисобланади. Ишсизлар сони 80 фоизни ташкил этса, бир неча миллион фуқаро қочоққа айланган. Шунингдек, озиқ-овқат, ёқилғи ва хориж валютаси танқислиги сезилмоқда.

Ёндашув ўзгармади



«Кубада ўзгариш юз бераётгани ҳақидаги гаплар Раул ва Фидел Кастроларнинг Куба муаммоларини турлича ёндашув билан ҳал этаётганидан дарак бермайди», — деди Кубанинг Мехикодаги элчиси Мануэл Агилера. РИА Новостининг хабарига кўра, февраль ойида Раул Кастро Давлат кенгашига раҳбар этиб сайлангач, фуқароларга электрон техника сотиб олиш, уяли телефондан фойдаланиш, хусусий фермерларга эса ишлаб чиқариш воситаларини махсус дўконлардан харид қилишга рухсат берилди. Кубалик дипломатнинг фикрича, «юз бераётган ўзгаришлар қатор камчиликларга эга сиёсий ва иқтисодий тизимни ривожлантиришга қаратилган». АҚШ ва Куба муносабатларига тўхталиб, элчи бу соҳада ҳеч қандай янгилик юз бермаслигини айтди.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси

қуйидаги объектлар бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 1-1. Термиз тумани «С-3-1 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 77843,356 минг сўм, муддати — 120 кун.

Лот 1-2. Термиз тумани «ГВК зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 46925,238 минг сўм, муддати — 120 кун.

Лот 1-3. Термиз тумани «С-2-2 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 67951,877 минг сўм, муддати — 120 кун.

Лот 1-4. Ангор тумани «МС зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1- ва 2-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 252106,049 минг сўм, муддати — 210 кун.

Лот 1-5. Ангор тумани «Марказий зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 32947,041 минг сўм, муддати — 60 кун.

Лот 1-6. Жарқўрғон тумани «Минор М. зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1- ва 2-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 34309,569 минг сўм, муддати — 60 кун.

Лот 1-7. Қумқўрғон тумани «К-1 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 19869,853 минг сўм, муддати — 60 кун.

Лот 1-8. Туманлараро (Шўрчи, Олтинсой) «Қармоқсой зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1- ва 2-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 101073,681 минг сўм, муддати — 180 кун.

Лот 1-9. Туманлараро (Шўрчи, Олтинсой) «Элбаянсой зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш. *Бошланғич нархи — 15487,523 минг сўм, муддати — 45 кун.*

Лот 1-10. Туманлараро (Музработ, Шеробод) «К-4 зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» объектининг 1-босқич ишларини амалга ошириш.
Бошланғич нархи — 69103,603 минг сўм, муддати — 180 кун.

Буюртмачи: *Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси.*

Манзили: *Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй. Тел/факс: (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00.*

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.***

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар Дастурига мувофиқ «Ўзмиллийбанк бўлинмаларида ташкил қилинган «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» бўйича 2008 йил 11 март ҳолатига

МАЪЛУМОТ

№	Банк номи	Ишонч телефонлари рақамлари (коди)
1	2	3
1	**Миллий банк, Бош офис**	**8 (371) 234-14-14**
1	**Андижон бўлими**	**8 (374) 224-09-81**
2	Асака филиали	8 (374) 233-08-78
3	Шаҳрихон филиали	8 (374) 342-02-95
4	Избоскан филиали	8 (374) 312-25-38
5	Қўрғонтепа филиали	8 (374) 723-23-38
6	Марҳамат филиали	8 (374) 391-29-10
7	Пахтаобод филиали	8 (374) 711-24-69
1	**Бухоро бўлими**	**8 (365) 223-45-88**
2	Ғиждувон филиали	8 (365) 57-24-633
3	Қоракўл филиали	8 (365) 56-52-762
4	Когон филиали	8 (365) 52-23-591
5	Шофиркон филиали	8 (365) 50-23-445
6	Қоровулбозор филиали	8 (365) 36-41-303
7	Вобкент филиали	8 (365) 33-21-020
8	Ромитон филиали	8 (365) 55-21-015
1	**Жиззах бўлими**	**8 (372) 222-38-26**
2	Пахтакор филиали	8 (372) 353-19-28
3	Мирзачўл филиали	8 (372) 312-14-54
1	**Қарши бўлими**	**8 (371) 141-65-66**
2	Шаҳрисабз филиали	8 (375) 522-74-82
3	Муборак филиали	8 (375) 672-24-89
4	Ғузор филиали	8 (375) 552-10-90
5	Янги-Нишон филиали	8 (375) 512-17-32
1	**Навоий бўлими**	**8 (371) 120-23-85**
		8 (371) 120-23-93
2	Зарафшон филиали	8 (436) 573-55-98
3	Учқудуқ филиали	8 (436) 593-33-02
4	Қизилтепа филиали	8 (436) 555-29-26
1	**Қорақалпоғистон бўлими**	**8 (361) 780-00-13, 141-70-13**
2	Хўжайли филиали	8 (361) 554-32-28
3	Тўрткўл филиали	8 (361) 532-20-95
4	Қўнғирот филиали	8 (361) 312-14-74
5	Чимбой филиали	8 (361) 444-00-72
1	**Сирдарё бўлими**	**8 (367) 225-35-95**
2	Янгиер филиали	8 (367) 372-51-10
1	**Самарқанд вилояти бўлими**	**8 (3662) 33-55-95**
2	Амалиёт бўлими	8 (3662) 31-01-04
3	Каттақўрғон филиали	8 (366) 45-53-788
4	Ургут филиали	8 (366) 48-31-401
5	Булунғур филиали	8 (366) 44-21-243
6	Жомбой филиали	8 (366) 23-19-914
7	Нуробод филиали	8 (366) 63-31-888
8	Пастдарғом филиали	8 (366) 46-52-315
1	**Термиз бўлими**	**8 (222) 222-84-19**
2	Денов филиали	8 (222) 241-21-998
3	Жарқўрғон филиали	8 (222) 243-21-787
4	Қумқўрғон филиали	8 (222) 246-52-261
5	Сариосиё филиали	8 (222) 248-31-783
6	Шеробод филиали	8 (222) 232-21-312
	Тошкент шаҳри бўйича	
1	**Бош Амалиёт бўлими**	**8 (371) 232-03-90**
2	Марказий Амалиёт бўлими	8 (371) 235-77-74

№	Банк номи	Ишонч телефонлари рақамлари (коди)
1	2	3
3	Амалиёт бошқармаси	8 (371) 244-35-05
4	Академик филиали	8 (371) 282-01-93
5	Юнусобод филиали	8 (371) 225-83-67
6	Ҳамза филиали	8 (371) 294-58-97
7	Сергели филиали	8 (371) 251-09-13
8	Яккасарой филиали	8 (371) 250-73-63
9	Миробод филиали	8 (371) 291-28-12
10	Собир Раҳимов филиали	8 (371) 228-74-15
11	Шайхонтоҳур филиали	8 (371) 149-67-99
12	Мирзо-Улуғбек филиали	8 (371) 237-07-59
13	Саёҳат бўлими	8 (371) 279-77-31
14	Учтепа филиали	8 (371) 275-35-86
15	Бектемир филиали	8 (371) 295-07-13
1	**Тошкент вилояти бўлими**	**8 (371) 252-77-13**
2	Олмалиқ филиали	8 (370) 612-10-45
3	Ангрен филиали	8 (370) 662-24-48
4	Бекобод филиали	8 (370) 912-26-24
5	Чирчиқ филиали	8 (370) 715-34-31
6	Ғазалкент филиали	8 (370) 244-82-90
7	Тўйтепа филиали	8 (370) 762-01-79
8	Янгийўл филиали	8 (370) 602-80-09
1	**Урганч бўлими**	**8 (362) 226-26-44**
		8 (362) 224-35-84
		8 (362) 226-45-44
		8 (362) 226-43-60
2	Хива филиали	8 (362) 375-61-31
		8 (362) 375-75-42
		8 (362) 375-61-30
3	Хонқа филиали	8 (362) 39-91-654
		8 (362) 39-93-561
		8 (362) 39-91-132
4	Шовот филиали	8 (362) 34-54-808
		8 (362) 34-53-771
		8 (362) 34-53-718
5	Ҳазорасп филиали	8 (362) 33-23-788
		8 (362) 33-23-828
		8 (362) 33-24-881
6	Гурлан филиали	8 (362) 36-52-321
		8 (362) 36-53-002
		8 (362) 36-52-230
7	Янгиариқ филиали	8 (362) 38-53-516
		8 (362) 38-52-306
		8 (362) 38-53-526
1	**Фарғона бўлими**	**8 (373) 224-85-27**
2	Марғилон филиали	8 (373) 223-23-68
3	Қўқон филиали	8 (373) 55-2-59-12
4	Қува филиали	8 (373) 31-53-229
5	Бешариқ филиали	8 (373) 61-21-593
6	Бувайда филиали	8 (373) 52-91-7-55
7	Қувасой филиали	8 (373) 37-3-28-62
8	Риштон филиали	8 (373) 45-21-112
1	**Наманган бўлими**	**8 (369) 226-57-82**
2	Чуст филиали	8 (369) 423-14-44
3	Тўрақўрғон филиали	8 (369) 442-33-65
4	Чортоқ филиали	8 (369) 412-35-79
5	Косонсой филиали	8 (369) 652-52-60
6	Уйчи филиали	8 (369) 482-11-26
7	Учқўрғон филкали	8 (369) 462-15-01

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

қуйидаги объектларнинг аукцион савдоларига қўйилиши давом эттирилаётганлигини ва савдолар 2008 йилнинг 1,4,8,11,15,18,22,25,29 апрель кунлари ўтказилишини маълум қилади

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон кўчаси, 9-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг:

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BD 613 бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 14 500 000 сўм;**

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AA 649 бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи — 15 500 000 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 233-23-40

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси банкнинг Ходимлар билан ишлаш бош бошқармаси бошлиғи Улуғбек Иззатуллаевич Маткаримовга отаси **Иззатулла Абдуллаевич МАТКАРИМОВ**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Шогирдларимиздан чемпионлар чиқишига ишонамиз»

— дейди Бухоро туманидаги махсус спорт мактаб-интернати директори Алишер Мирзаев

Бугунги кунда республикамизда ёш авлод камолотини кўзлаб амалга оширилаётган хайрли ишларни кўриб, дили қувонади кишининг. Хусусан, болалар спортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ота-оналар, маҳаллаларни қувонтирмоқда.

— Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, — дейди маҳалласи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабиб Асадов. — Илгари туманда атиги битта спорт мактаби бўларди. Унда қиёфаналар истеъдодини пайдо қилиш, қўллаб-қувватлашга эса шунчаки эътибор қаратиларди. Ҳозир махсус ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, замонавий спорт масканлари кўпайгани боис фарзандимни қайси бирига қўйсам деб бош қотирасан киши.

Дарвоқе, мазкур махсус спорт мактаб-интернати шундоққина Галаосиё маҳалласининг қоқ ўртасида жойлашган. Мана, олти йилдирки, бу ерда маҳалланинг 145 нафар ўғил-қизи спортнинг миллий ва юнон-рум курашлари, дзюдо, футбол турлари билан мунтазам шуғулланиб келишишмоқда. Уларга 19 нафар ўқитувчи мураббийлик қилади. Бу ерда болаларнинг машғулотларни юқори даражада ўтказишлари учун барча шароитлар мавжуд.

— Биздаги қулай шароит, — дейди мактаб ўқитувчиси Нилуфар Паноева, — ота-оналарга ҳам маъқул келгани боис, улар фарзандларини бу ерга ишонч билан етаклаб келишяпти. Бу эса биздан ҳам юксак масъулиятни талаб этади.

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўриши табиий. Шундай экан, ҳар бир мураббий ўз тарбияланувчисига меҳрибон, талабчан бўлиши даркор. Бу хусусиятлар мазкур мактаб жамоасида тўлиқ мужассам бўлгани учун ютуқлар ҳам бисёр.

Ўтаётган ҳар бир йил мактаб жамоаси учун омадли бўлаётир. Хусусан, 2007 йилда эришилган юксак кўрсаткичлардан фахрланса арзийди. Мактаб тарбияланувчиси Беҳзод Муҳаммедов кураш бўйича Россияда ўтган халқаро турнирдан совриндор бўлиб қайтди. Муҳаммад Муҳаммадов эса Сурхондарёда ёшлар ўртасида ўтказилган республика минтақавий биринчилигида миллий кураш бўйича биринчи ўринни эгаллади. Шамшод Сатторов, Севара Ҳамроева, Дурдона Ёдгорова, Юлдуз Қаҳҳорова сингари ёш полвонлар Навоий, Андижон, Самарқанд шаҳарларида ўтказилган кураш турнирларида совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Яна бир жиҳати, мактабдан 14 та спорт усталигига номзод, битта спорт устаси, 35 нафар биринчи разрядли спортчи етишиб чиққан. Айни пайтда бир қанча ёш футболчилар «Бухоро-2» футбол жамоаси таркибида тўп сурмоқда. Истеъдодлилар сафи эса кун сайин кенгаймоқда.

— Шогирдларимиздан кўнглимиз тўқ, — дейди мактаб директори Алишер Мирзаев, — келажакда улардан албатта жаҳон чемпионлари чиқишига ишонамиз.

Даврон Баҳронов,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Санъатимиз дарғалари

Ўзбекистон халқ артисти Рихси ИБРОҲИМОВА:

«Муқаддас саҳна мени юртга танитди»

Ҳар гал телеэкранда кўриниши билан мунис ўзбек аёлининг меҳр-муҳаббат тўла самимий сиймосини ёдимизга соладиган бир нурли чеҳра бор. Ҳа, бу узоқ йиллар давомида кўплаб теле ва видеофильмлар, саҳна асарлари орқали чин ўзбек аёли қиёфасини қалбларимизга муҳрлаб келаётган актриса, Ўзбекистон халқ артисти Рихси ИБРОҲИМОВАдир.

Рихси Иброҳимова 1937 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида дунёга келди. Отаси Исмоилхўжа оддий хизматчи бўлса-да, китобга, шеъриятга меҳр қўйган киши эди. Шу боис маҳалладошлари уникида тез-тез йиғилиб, қизғин суҳбатлар қурар, бу суҳбатлар бора-бора кечки қироатхонликка айланиб кетарди.

— Ўша пайтларни ўйласам, бир воқеа ёдимга тушади, — дея эслайди Рихсихон опа. — Урушдан кейинги йиллар, ҳали одамларнинг турмушидан аччиқ алам ва изтироблар ўчиб кетгани йўқ. Ён қўшнимизнинг отаси урушда ҳалок бўлганди. Шу боис бу оилага бутун маҳалла ғамхўрлик кўрсатар, ҳолидан хабар олиб турарди. Ўша хонадоннинг бир четида жуда эртапишар олма бўлиб, у бутун бўй-басти билан кўчага қараганди. Олма пишиши билан ерга тўкиларди. Қаранг, шундай оғир замонлар бўлса ҳам кўча юзига тўкилган олмаларни ҳеч ким олмасди, етимнинг ҳаққи дея ҳовли ичкарисига отарди. Кейин қўшни аёл уларни болаларидан орттириб, ён-атрофдагиларга ҳам улашарди...

Орадан йиллар ўтди. Оиладаги адабий муҳит ва ён-атрофдагиларнинг самимий меҳри таъсирида улғайган Рихси дастлаб қизлар мактабида таҳсил олди. Ўрта мактабни тугатгач, ўша вақтдаги Тошкент давлат университетининг филология факультетига ҳужжат топширди. Рихсихон дастлабки имтиҳонларни муваффақиятли топширган кунларнинг бирида отаси дўсти Аттоқхўжадан театр актёрлари тайёрлайдиган институт борлигини эшитди-ю, шу куниёқ қизига ҳужжатини қайтиб олиб, ўша даргоҳга топширишни маслаҳат берди.

У эртаси куниёқ суриштириб, ўша даргоҳ эшигини қоқди. Аввалига унинг Театр ва рассомчилик институтида ўқиётганини отасидан бўлак ҳеч ким билмади. Фақат 2-курсда телевизор орқали чиқа бошлагандагина оиладагилар сезиб қолиб, Рихсини бу соҳадан қайтармоқчи бўлишди. Аммо энди бу қиз санъат йўлини аллақачон танлаб бўлган, театр арбоблари эътиборига тушиб, кичик-кичик эпизодларда ҳам кўрина бошлаган эди.

Сўнгра Москва декадасига тайёргарлик кўрила бошланди. «Жазоир менинг Ватаним» спектаклида Ҳабиба, «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим»ида — Раъно ролини ижро этди. Унинг бу ролларидан қониққан театр маъмурияти ёш актрисага бош ролларни ишониб топшира бошлади. Сидқидилдан қилинган меҳнат, тинимсиз изланишлар билан театр мухлисларига Рихси Иброҳимова бўлиб танилди.

Москва сафаридаги муваффақиятлардан кейин театр директори Сора Эшонтўраева уни ўз ҳузурига чақириб, шогирдликка таклиф қилди. Шу-шу, Рихсихон «Алишер Навоий»да Гули, «Бой ила хизматчи»да Жамила, кейинроқ «Гамлет»да Офелия ролларини ўйнади. Дастлабки икки роль унга ончалик қийинчилик туғдирмади. Чунки миллий қаҳрамонлар образини илгари ҳам яратган эди. Аммо Офелияга келганда Ғарб оқсуяк аёлларига хос характерга кириш учун анча-мунча тер тўкишига тўғри келди.

1959 йилда институтни муваффақиятли битирган Рихси Иброҳимова тўрт йиллик театр тажрибасига эга актриса эди. У актёрлик фаолияти давомида Шукур Бурҳоновдек даҳо санъаткор билан бирга «Мирзо Улуғбек» спектаклида ўйнади. Гарчи аввалига бу ролга бошқа одам тайинланган бўлсада, репетицияларда унинг Рихсихонга муносиблиги кўриниб қолди. Шукур Бурҳонов «Мирзо Улуғбек» орқали мукофотга сазовор бўлди, Рихси Иброҳимова эса яратган образи билан театр тарихида қолди...

Кейинчалик актриса миллий, замонавий асарлар ва ғарб классикасига доир кўпгина ролларни ижро этди. Хусусан, «Ийимон»да Озода, «Отелло»да Эмилия, «Ҳазрати аёл»да Ойша Содиқовна, «Шошма қуёш»да Санобар Камолова каби қаҳрамонлар сиймоси унинг ижроси билан мукаммаллик касб этди. Бу роллар унинг ҳақиқий етуклик даврига тўғри келганди.

Рихси Иброҳимова бир вақтнинг ўзида театр билан бирга телевидение, радиода ҳам самарали ижод қилди. Телевиденидаги кўплаб постановкалар, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувидаги ўнлаб ролларини гапирмасликнинг иложи йўқ. Актрисанинг «Жафо қилма», «Вафодор», «Сабҳи», «Ёдгор», «Насрулла», «Нур излаб», «Кеча ва кундуз» (Қурбонбиби), «Навоий», «Диёнат»да Фазилат, «Дунёнинг ишлари», «Бувим ёпган нон» каби телефильмлардаги хилмахил образлари, «Шум бола», «Сени излаб», «Бегона баҳор», «Кўзларим йўлингда», «Юзсиз», «Пари момо», «Чантраморе», «Келинлар кўзғолони», «Қасам» каби кинолардаги яратган ролари билан мухлислар қалбидан чуқур жой олди.

— Ярим асрдан кўпроқ театрда ишлабман, — дейди Рихси опа. — Шу муқаддас саҳна мени эл-юртга танитди. Ўтган умримни сарҳисоб қилиб кўрсам, ёмон яшамабман. Ёшлигимдан ўзбек онаси тимсолини яратишни орзу қилардим. Эҳтимол, «Дунёнинг ишлари»даги образим шунга яқин чиққандир. Бунда мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган устозларимнинг меҳнати катта бўлган.

Бир нарсага ҳам қувонаман, ҳам озгина армоним бор. Ҳозир ҳукуматимиз томонидан театрга, санъат соҳасига кўрсатилаётган эътибор, яратилган шароитларни кўриб дил-дилимдан қувонаман. Биз қандай замонларда, қандай шароитларда ишлаганимизни ёши улуғ санъаткорларимиз яхши билишади. Қанийди ёшлигим қайтса, яйраб-яйраб ижод қилсам, замондошларимиз образини яратсам...

Дарвоқе, санъатга, театрга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, энг муҳими, саҳнани муқаддас деб билгани боис халқимизнинг суюкли санъаткори Рихси Иброҳимованинг ҳаёт ва ижод йўли нафақат Миллий театр аҳли, балки мамлакатимизда фаолият юритаётган каттаюкичик актёр ва актрисалар учун ҳам ибрат олса, фахрланса арзийдиган санъат мактабидир.

Жасур ҲУСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миср маданияти кунлари

Пойтахтимизда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси қошидаги Миср маданияти маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида Миср маданияти кунлари ўтказилди.

— Бир ҳафта давомида қадимий Миср диёрининг маданияти, унинг бебаҳо дурдоналари билан яқиндан танишдик, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, рассом Орқали Қозоқов. — Ҳафталик доирасида Миллий санъат марказида мисрлик машҳур рассом Сайид Иброҳим Муҳаммад Кандийлнинг ўргазмаси ҳам ташкил этилди. Бу мўйқалам ҳиби Қоҳира университетининг нозик санъат факультети доценти бўлиб, унинг асарлари Италия, Польша, Ливия, Югославия каби давлатларда муваффақиятли намойиш этилган. Шундай тадбирларнинг ўтказилиши эса икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланиб, жаҳон миқёсида обрў-эътибори янада ортаётганлигидан далолат беради.

Тадбир доирасида «Ал-Ҳуррия» рақс ансамбли ўз дастурлари билан пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларини хушнуд этишди. Ушбу гуруҳнинг чиқишларида Искандария даври акс эттирилган бўлиб, Мисрнинг турли ҳудудлари анъана ва урф-одатларини қамраб олган экан. Шунингдек, Миллий санъат марказида Миср киноижодкорлари томонидан суратга олинган бадиий фильмлар ҳам намойиш этилди.

✧✧✧

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Миллий санъат марказида «Bazar-Art. Баҳор — 2008» кўргазма-ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 120 нафардан зиёд уста ва ҳунармандлар иштирок этишди.

— Шаҳрихондан келганман, — дейди пичоқчи Иброҳим Раҳимов. — Бу касб билан ёшлигимдан бери шуғулланаман. Фарзандларим ҳам пичоқчиликка меҳр қўйишган. Ўтган йили ҳам кўргазмада иштирок этгандим. Бу йил эса 15 дан ортиқ турдаги пичоқларни олиб келдим. Савдо ҳам чакки бўлмади. Ташкилотчиларга катта раҳмат. Чунки мазкур тадбир орқали миллий ҳунармандчилигимиз янада ривожланиб, жаҳон миқёсида обрў-эътибори янада ортади. Сабаби, чет эллик меҳмонлар ҳам маҳсулотларимизга харидор бўлишди.

2008 йилнинг мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан бу йилги «Bazar-Art. Баҳор — 2008» кўргазма-ярмаркасида ёш иштирокчиларнинг сони янада ошди. Бу эса уларнинг келажакдаги фаолиятлари учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Интер-спорт

Чипталар баҳоси қанча?

Футбол бўйича Европа чемпионлари лигаси финал учрашуви шу йилнинг 21 майида Москвадаги «Лужники» стадионида ўтказилади. Куни кеча учрашув ташкилотчилари чипталар баҳосини эълон қилди.

Финал ўйини учун уч тоифадаги чипталар сотувга чиқарилади. Марказий трибуналардаги томошабинлар ҳар бир дона чиптани 200 евродан харид қиладилар. Бурчакдаги ўринлар 140 евродан нархланган бўлса, учрашувни дарвозалар ортида ўтириб кузатиш эса мухлисларга 80 еврога тушади. Чипталарга буюртма беришда 10 евродан маъмурий тўлов амалга оширилади.

Эслатиб ўтамиз, «Лужники» стадиони ўз бағрига 69500 томошабинни сиғдира олади. Ҳар бир финалчи жамоага 21 минг донадан чипта ажратилган. Учрашувнинг 10500 та чиптаси эса бутун дунё бўйлаб сотувга чиқарилмоқда.

Мулоҳаза

Истеъмолчи — қонун ҳимоясида

таъминотчи эса ижрочи

Биринчи манзара:

Тошкент катта халқа йўлининг 6-Қорасув мавзесида йўловчи автобусда қий-чув бошланиб қолди. Ҳайдовчи бекатда тўхтамай ўтди. Ёши улғайган онахон чиптачи болани ҳам, ҳайдовчиням баландроқ овозда қойиб берди. Улар эса «вақтлироқ айтиш керак эди», дея ўзларини оқлашга тушдилар. Автобусдагилар ҳайдовчининг ноҳақлигини юзига айтишди.

— Йўловчи — имкон қадар ҳурматда бўлмоғи лозим, — деди улардан бири. — Ҳайдовчи билан чиптачи — таъминотчи, йўловчи эса истеъмолчи. Истеъмолчининг йўл кира ҳақи ичида унинг иззат-ҳурмати ва албатта, биринчи навбатда унинг соғ-саломатлиги, хавфсизлиги бўлиши керак-да...

Иккинчи манзара:

Нукусдан Тошкентга автобусда келаётган эдик, ярим тунда бир аёлнинг соғлиги ёмонлашиб қолди. Унга баҳоли-қудрат биринчи тиббий ёрдам беришди, яхшиликча тугади ҳар қалай.

Аммо айтиш жоиз, 1200 километрлик, салкам 20 соатда босиб ўтиладиган бундай йўлларда на бирорта дорихона, на тиббий ёрдам маскани бор...

Пойтахтдан Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари томон олиб борувчи йўлларда ҳам қаторқатор ошхоналар бору, тиббийхона ёки дорихона деярли учрамайди. Ўтган йилги бир воқеа ҳамон ёдимда: «Дарбанд» йўл патрул хизмати масканида ёшгина йўловчи аёлга тиббий ёрдам кўрсатиш имкони бўлмаганлиги сабабли у йўлда ҳаётдан кўз юмганди.

Хулоса

Ҳар бир йўловчи ташийдиган транспорт воситасида (у хоҳ давлатники, хоҳ шахсий бўлсин) биринчи тиббий ёрдам учун «аптечка» — дори-дармон қутичаси бўлиши керак.

Яна бир истак: Пойтахтимизнинг Буюк Ипак йўли метро бекатида 1-, 24-, 101- сингари ўнлаб автобуслар тўхтайди. Худди шу жойнинг ўзида ТТЗ, Қибрай ва Ғазалкентга қатнайдиган хусусий микроавтобуслар, енгил машиналар ҳам тиқилиб туради. Ҳайдовчилар жой талашиб, бир-бирларини жамоат олдида беобрў сўзлар билан ҳақоратлашади. Эшитиб туриб, кўнглинг хира тортади. Демоқчимизки, хусусий йўловчи ташийдиган автомашиналарга ҳам алоҳида жой ажратиш ёки уларни тартибга солиш чоралари кўрилса яхши бўлмасмиди...

Бунинг учун Бош таъминотчи ҳисобланган транспорт хизмати раҳбариятлари йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш ҳақида ўйлаб кўрсалар истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолларига ҳам бир қадар чек қўйилган бўларди.

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПГС» Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси

қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

- электр калорифер-иситгичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
- электр калорифер-иситгичлар (маиший қуввати — 1, 8 кВт);
- мини новвойхоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
- электр қозонлар (қўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
- кабоб пиширадиган электр қўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший) — 1,7 - 6 кВт;
- сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.



Буюртмаларни қуйидаги манзилга:
Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 125-уй,
электрон почта: e-mail: *pgs4@yandex.ru* ёки
тел/факс: 279-38-54 орқали юбориш мумкин.
2008 йил 31 мартгача буюртма берган ташкилотлар биринчи навбатда ушбу кунгача бўлган нархда жиҳозларни харид қиладилар.



Маҳсулот сертификатланган.

Жиҳозлар Давлат ёнғинга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
15651 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.10
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda